БУГУНГИ СОНДА:



Корея компаниялари раҳбарлари вазирлик меҳмони

2-бет

Izmirda oliy ta’lim muassasalari forumi bo‘lib o‘tdi



2-бет

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ
2022 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан
ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

3-бет



Алоқа тизими соҳасида режалаштирилаётган янги лойиҳалар юртимиз бунёдкорлигига катта ҳисса қўшмоқда

4-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 42 (595)
2022 йил 14 июнь, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июнь куни Америка Қўшма Штатлари Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Майкл Курилла бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик соҳасидаги амалий алоқаларни давом эттиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тикланишга, шу жумладан, устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги ташаббус ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июнь куни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги самарадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Истеъмол маданияти ривожланган бугунги кунда сифат биринчи ўринга чиқмоқда. Бу борада бутун дунёга тушунарли “тил” бу – стандарт.

Мамлакатимизда ҳам барча соҳаларда халқаро андозалар жорий этилмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида “Global G.A.P.” ва “Organic”, тўқимачиликда “Oeko-Tex” стандарти асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда. “GSP+” тизими доирасида 6 минг 200 турдаги маҳсулотларни Европа Иттифоқига божсиз экспорт қилиш имконияти яратилди.

Бу соҳада жаҳон бозорига мувофиқликни таъминлаш мақсадида, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 июндаги фармонига асосан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига ўтказилиб, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги сифатида қайта ташкил этилган эди.

2-бет

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 июнь куни Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилиши билан танишиш чоғида жамоат транспорти тармоғини кенгайтириш ва метрополитен инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

13 июнь куни ушбу ишларни ташкил этишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишилди. Жумладан, қурилаётган ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичини давом эттириб, Сергели йўналиши билан боғлаш, замонавий қурилиш услубларини татбиқ этиш, метро поездларини янгилаш, йўловчи оқимини янада ошириш режалари ҳақида ахборот берилди.

Маълумки, ер усти метросининг иккинчи босқичи доирасида бешта бекатни шу йил якунида ва қолган иккитасини келгуси йил Наврўзда ишга тушириш мўлжалланган. Бу орқали 62 та маҳалладаги 250 мингга яқин аҳоли метрополитен билан қамраб олинади.

Давлатимиз раҳбари барча йўлларда инсонларга қулайлик ва хавфсизлик биринчи ўринда бўлиши лозимлигини таъкидлади. Метрополитен учун 14 та янги поезд олиб келиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда метрополитенни комплекс ривожлантириш ҳамда Транспорт университети билан биргаликда профессионал кадрлар тайёрлаш учун хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкентда жамоат транспорти етиб бормаган 26 та маҳаллага автобус йўналишлари очилиб, метро билан боғланади. Бунинг учун қўшимча электробуслар харид қилинади.

Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент вилоятидан пойтахтимизга кунига 1 миллиондан зиёд йўловчи кириб келади. Уларни метро бекатларига йўналтириб, ҳам аҳолига, ҳам транспортларга енгиллик яратиш зарурлиги айтилди.

Замонавий электропоездлар келтириб, “Тошкент – Хожикент”, “Тошкент – Бекобод” ва “Тошкент – Ангрен” йўналишида тезюрар қатнов йўлга қўйилиши белгиланди.

Янги метрополитен йўналиши бўйида жойлашган маҳаллаларни ободонлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Лойиҳаларни такомиллаштириб, қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: ХЎЖАОБОД ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ









**Юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга обод бўлмоқда. Янги-янги уй-жойлар, боғча, мактаб, стадионлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, қишлоғу шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшмоқда.**

Бу албатта, мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамлик, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир. Жумладан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида Хўжаобод туманида кенг кўламли қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бугун туманда бўлаётган ўзгаришлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида туманимизда кенг кўламли қурилиш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда, – деди Хўжаобод тумани ҳокими Ўткирбек Шукуров. – Умуман, жорий йилда дастурлар доирасида Тош ота ва Гарагури маҳаллаларида умумий қиймати 19 миллиард 263 миллион сўмдан зиёд ҳажмдаги қурилиш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш режалаштирилган.

Дастур доирасида маҳаллаларда 10,4 километр узунликдаги ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш, 2 та сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш, 16,2 километр узунликдаги сув тармоғини тортиш, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 3 та трансформатор ўрнатиш, 12,7 километр электр тармоғини тортиш, газ таъминотини яхшилаш бўйича 1 та газ тақсимлаш пунктини таъмирлаш, 0,5 километр узунликдаги янги газ тармоғини тортиш, аҳолига 200 та суюлтирилган газ баллони етказиб берилиши, шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари – битта мактаб ва битта оилавий поликлиникада 3,2 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Айни кунда белгиланган ишлар жадал олиб борилмоқда. Уларни бажаришда қурувчилар, йўлсозлар ва бошқа соҳа мутахассислари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Туманнинг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланган Тош ота маҳалласида айни кунда 845 та оила таркибида 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги мавжуд тўртта – Биларма, Зиёратгоҳ, Чашма ва Юқори Имомота кўчаларида дастур доирасидаги ишлар қизғин давом этмоқда.

– Маҳалламизда йигирмага яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, шунингдек, иккита нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, 1 та умумтаълим мактаби, 1 та махсус-ёрдамчи мактаб фаолият юритади, – дейди Тош ота маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмадулло Шокиров. – Бугунги кунда “Обод қишлоқ” давлат дастури, қолаверса, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишлар жадал олиб борилмоқда.

2-бет

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## ВАЗИРЛИК МУТАСАДДИЛАРИ – ЯПОНИЯДА



**Айни пайтда қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов бошчилигидаги делегация аъзолари Япониянинг Токио шаҳрига амалий ташриф билан боришди.**

BCJ (The Building Center of Japan) Япониянинг қурилиш Маркази Президенти Кимихиро Хашимота, Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Окасаки Ацуо, бошқарма бошлиғи Тохру Онга ва Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси масъуллари вазирлик мутасаддилари билан учрашув ўтказишди.

Унда томонлар ўз фаолиятлари ҳақида маълумот бердилар ҳамда икки давлат ўртасида бугунги кунда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр алмашилди. Жумладан, Япониянинг Қурилиш маркази 1965 йилда ташкил топган бўлиб, Ер ресурслари, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлиги томонидан жорий қилинган стандартлар ҳамда нормалар асосида қурилиш соҳасини техник назорат қилиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотдир. Музокараларда шу ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ўз навбатида Давронжон Адилов Ўзбекистонда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва бу борада давлатнинг соҳага қаратаётган эътибори, Қурилиш вазирлигининг фаолияти ҳақида маълумот берди. Хусусан, учрашувда зилзилабардошлик, баланд биноларни қуриш технологиялари, экология ва энергиясамарадорлик соҳасида тажриба алмашиш, Япониянинг Ер ресурслари, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлиги ҳамда қурилиш соҳасида нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича фикр юритилди.

2-бет

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан “Қурилиш материаллари саноатида инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда уюшма раҳбарияти, соҳа мутахассислари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.**

Анжуманда дастлаб уюшма томонидан январь-май ойларида амалга оширилган ишлар, инвестиция лойиҳалари, саноат корхоналари фаолияти ва экспорт кўрсаткичлари, маҳсулотлар сифати ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланишича, ҳудудларни саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурлари доирасида 2022 – 2026 йилларда қурилиш материаллари соҳасида умумий қиймати 5,7 млрд доллар бўлган, 1,5 мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилиш режалаштирилган. Эътиборлиси, ҳисобот даврида қиймати 1,4 млрд долларлик 870 та лойиҳа ишга туширилади, хусусан, ўтган даврда 370 млн доллар, шундан хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 280 млн доллар ўзлаштирилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида янги турдаги импорт ўрнини босувчи цемент, қувур ва геосеткалар керамогранит, бурама михлар, мармар, травертин ва гранит плиталари, темир-бетон, керамик плиткалар, гипсокартон листлари, газобетон ва пенобетон блоклари каби қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42 (595) 2022 йил 14 июнь

# СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1-бет

Лекин бу соҳанинг ўзида сифатни ошириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ишлаб чиқарувчиларга йўл кўрсатиб, экспортни кўпайтириш бўйича ҳали ўзгариш сезилмаяпти. Стандарт, карантин, ветеринария идоралари ҳамда гигиеник лабораториялар ягона сиёсат юритмасдан, тадбиркорга кўмакчи бўлмаяпти. Ҳудудларда 150 та лабораторияга эҳтиёж мавжуд. Мисол учун, қуритилган мевани экспорт қилиш учун 27 хил таҳлил қиладиган лаборатория керак. Лекин, биронтаям бундай муассаса йўқ. Кўп тадбиркорлар бу муаммоларни маҳсулотини Европага олиб борганидан кейин билаяпти.

Шу боис йиғилишда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида самарадорликни ошириш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва тармоқ раҳбарларига ҳар бир маҳсулот бўйича масалани чуқур ўрганиб, керакли стандартларни жорий қилиш ва лабораторияларни янгилаш вазифаси қўйилди. Бу орқали халқаро стандартларга мос корхоналар сонини 3 баравар ошириб, 1 минг 200 тага етказиш мумкин.

Хусусан, Чирчиқдаги "Ўзтекс" корхонасида маҳсулотларни Европа талаблари асосида синовдан ўтказиш йўлга қўйилгач, экспорти ошган. Президент бундай лабораторияларни тўқимачилик, чарм-пойабзал, электр техникаси, машинасозлик ва кимё саноати корхоналарида ҳам ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Йил якунигача саноат соҳалари бўйича 27 та халқаро кўргазмада иштирок этиб, тадбиркорларни Европа бозорига олиб чиқиш юзасидан кўрсатма берилди.

Аграр тармоқда ҳам ижобий тажрибалар бор. Масалан, Самарқанд туманидаги "Сам фрут" корхонасида мева-сабзавот ва кўкатларни даладан экспортга тайёрлашгача бўлган жараён халқаро талаблар асосида ташкил этилган. Бу йил корхона Европага 10 миллион доллар экспорт қилишни режалаштирган.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, мева-сабзавот етиштирилаётган 200 минг гектар майдонни халқаро талабларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон ва вилоят марказларидаги 14 та лабораторияни халқаро аккредитациядан ўтказиш, 13 та ҳудудий агрокимё лабораториясини замонавий жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат божхона қўмитасига экспорт, импорт ва транзит бўйича барча сертификат ва рухсатномаларни "Ягона дарча" ахборот тизими орқали йўлга қўйиш топширилди.

Корхона ва ташкилотларнинг 3 минг нафар мутахассисларини стандартлаштириш соҳаси бўйича қўшимча ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

TA’LIM MUASSASALARIDA

# Izmirda oliy ta’lim muassasalari forumi bo‘lib o‘tdi

**Turkiyaning Izmir shahrida 80 ga yaqin turkiyalik va mamlakatimizning 20 dan ziyod oliy ta ´lim muassasalarining 200 ga yaqin rektorlari, professor-o‘qituvchilari va talabalardan iborat O‘zbekiston-Turkiya rektorlarining xalqaro forumi bo‘lib o‘tdi. Forum ishini Ege universiteti rektori, professor Nejdet Budak ochib, mehmonlarni ko‘hna Izmir shahriga tashrif buyurganlari bilan samimiy qutladi.**

Oxirgi yillarda O‘zbekiston va Turkiya prezidentlari tashabbusi bilan ikki qardosh xalqlar o‘rtasida barcha jabhalarda hamkorlik jadallashgani, bu ayniqsa, ta’lim sohasida yangi bosqichga chiqayotgani qayd etildi.

Xalqaro forumda so‘z olgan Toshkent davlat transport universiteti rektori Odil Abdurahmonov mazkur forumning texnik hamda injenerlik sohasida zamonaviy kadrlar tayyorlashdagi ahamiyati haqida to‘xtaldi.



Tadbir davomida Ege universiteti rektoriga o‘zbek-turk oliy ta’lim sohasidagi hamkorlikka qo‘shgan hissasi uchun Toshkent davlat transport universitetining faxriy doktori unvoni berildi. Shundan so‘ng, forum ishi sho‘balarga bo‘lingan holda davom etdi. Mamlakatlarning ta’lim sohasidagi islohotlari va oliy ta’lim maskanlari imkoniyatlari taqdim qilindi.

Forumning birinchi kunida oliy ta’lim muassasalari bilan o‘zaro hamkorlikni yo‘lga qo‘yish, texnik va injenerlik yo‘nalishlarida kadrlar tayyorlash, qo‘shma ta’lim dasturlari, zamonaviy texnologiyalardan foydalanish bo‘yicha 80 ga yaqin kelishuvlar imzolandi.

Hamkorlar muloqotni ikki davlat oliy ta’lim muassasalari imkoniyatlarini namoyish etuvchi ko‘rgazmada davom ettirdilar.

**O‘z muxbirimiz.**

# Қурилиш ресурслари миллий классификатори

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қачонки соҳада фаолият юритаётган мутахассисларга керакли шарт-шароит яратилса, уларнинг иш унумдорлиги ҳам ортади. Бугунги кунда Қурилиш вазирлиги томонидан соҳага татбиқ этилаётган бир қатор янгиликлар лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

Қурилиш вазирлиги томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизани ўтказиш жараёнларида ресурсларнинг жорий нархларини аниқлаш ва шакллантиришда бир хилликни ва аниқ ресурсларни инобатга олиш бўйича янги тизим ишга туширилди.

Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов батафсил маълумот берди.

Таъкидланишича, энди қурилиш материаллари, иш турлари, машина ва механизмларининг ягона базасини ўзида ифода этувчи "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" ишлаб чиқилди. Бу эса кўплаб ноқулайликларни бартараф этишга хизмат қилади. Яъни, буюртмачи, лойиҳалаш ва қурилиш жараёнлари иштирокчилари ўртасидаги ҳужжатлар алмашинувини, лойиҳа-смета ҳужжатларини юритишда юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар ва хатоликларнинг олдини олади. Статистик ва солиқ идоралари ҳисоботларида фарқли ҳолатлар бўлмаслиги ҳамда ҳужжатлар алмашинувини унификация қилишга имкон яратади.

Албатта, бунда энг аввало хориж давлатларининг, хусусан, Туркия, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси, бу борадаги услуби ҳамда унинг соҳага таъсири ўрганиб чиқилди.

Мазкур классификаторга 114 мингга яқин номдаги ресурслар, яъни, қурилиш материаллари, техникалар ва иш турлари киритилган бўлиб, булар қисм, бўлим ва гуруҳлар кесимида таснифланган. Бугунги кунда Қурилиш вазирлигининг махсус портали ёрдамида ушбу тизимдан фойдаланиш мумкин.

Классификатордаги ҳар бир ресурс ўзининг уникал кодига эга.

Ҳозирги вақтда "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" Давлат солиқ қўмитасининг "Ягона электрон классификатор"даги маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация кодлари билан уйғунлаштирилмоқда. Мазкур амалиёт йил якунига қадар Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги билан ҳам амалга оширилади.

Бу эса тадбиркорлик субъектлари, буюртмачи ва лойиҳачилар учун ягона ҳужжатлар тизими билан ишлаш, ҳужжатлар алмашинувида хатоликлар ва тушунмовчиликларни олдини олиш, электрон ҳисоб-фактура ва электрон шартномалар хизматларидан фойдаланишда ва энг асосийси, тегишли ташкилотларга топшириладиган ҳисобот турларини кескин қисқартиришга имкон яратади.

Йил якунига қадар "Қурилиш ресурслари миллий классификатори"да ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда Товар хом-ашё биржаси билан ҳамкорликда нарх бўйича маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш орқали "Моддий-техника ресурсларининг жорий нархлари электрон каталоги" ҳам яратилиши кўзда тутилган. Бунда, қурилиш материаллари, буюмлар ва хизматлар нархининг оператив равишда шаклланишига эришилади. Пудрат ташкилотлари учун маҳсулотларни онлайн харид қилиш имконияти яратилади.

Қурилиш вазирлиги яқинда яна бир ташаббусга қўл урди. Яъни, қурилишда сифатни таъминлаш ва қурилиш материалларини халқаро стандартлар асосида синаш мақсадида Қурилишда стандартлаштириш республика маркази ҳузурида Комплекс синов лабораторияси ташкил этилди. Мазкур лаборатория замонавий ускуналар билан таъминланган ва халқаро стандартлар асосида 100 дан ортиқ синов усулларини амалга оширади. Лаборатория мутахассислари келгусида синов усулларини 500 тага етказиш, 2025 йилга бориб эса 1 500 та синов усулларини қамраб олишни мақсад қилган. Ҳозирда лаборатория халқаро ILAC ташкилотининг аккредитациясига тайёргарлик кўрмоқда. Мазкур лабораторияда тўсувчи конструкцияларнинг энергиясамарадорлиги, юқори мустаҳкамликдаги бетонларни синаш, қурилиш материалларининг умрбоқийлигини прогнозлаш каби ўта муҳим синовлар амалга оширилмоқда.

# ВАЗИРЛИК МУТАСАДДИЛАРИ – ЯПОНИЯДА

1-бет

Муҳокамалар давомида ҳамкорлик йўналишларига аниқлик киритиб ўтилди. Яъни, Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази директори Рустам Қўчқоров томонидан икки томон ўртасида ҳамкорлик меморандумини тузиш лозимлиги, Япониядан қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш механизмлари ва баланд биноларни қуришда қўйиладиган талабларни ўрганиш, Ўзбекистонда сейсмикага доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга бу ердан мутахассис жалб қилиш имконияти, фойдаланиш учун қурилиш соҳасидаги Япония стандартларини олиш, юртимизда ишлаб чиқилаётган норматив ҳужжатларга япониялик мутахассислар томонидан тақризлар берилиши каби масалаларига тўхтатилиб ўтилди.

Қурилиш вазирлигининг Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Ш. Курбаниязов BCJ ёрдамида JICA иштирокида бўладиган ҳамкорлик фаолиятини жадаллаштириш ва бу учун зарур ҳужжатларни шакллантириш ҳамда Сейсмика бўйича 2025 йилга қадар 150 нафар ходимни Япония қурилиш маркази томонидан малакасини ошириш имкониятлари бўйича ҳам таклифлар берди.

Учрашув якунида томонлар келгусидаги истиқболли режаларни белгилаб олдилар. Ташриф давом этмоқда.

# Корея компаниялари раҳбарлари вазирлик меҳмони

**Қурилиш вазирлигида бир гуруҳ кореялик йирик фирма ва компания раҳбарларидан иборат делегация аъзолари кутиб олинди. Меҳмонлар билан қурилиш вазирининг ўринбосари Ўктам Тўраев мулоқот қилди.**



Томонлар қурилиш индустриясини ривожлантириш, кадрлар алмашинуви, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга оид кўплаб масалалар хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Охирги йилларда икки давлат ўртасидаги самарали алоқалар тобора ривож топиб бораётгани, бунда эса икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Учрашув сўнггида истиқболли ҳамкорликка келишиб олинди.

# Соҳа доимий назоратда



**Бош прокурорнинг ўринбосари Э. Йўлдашев, Тошкент шаҳар прокурори У. Қосимов ҳамда Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси масъуллари Юнусобод туманида бўлиб, ҳудуддаги қурилиш соҳасида давлат дастурларининг ижро этилиши билан танишдилар.**

Дастлаб, "Ҳасанбой" МФЙ ҳудудида қурилаётган янги умумтаълим мактаби, 99-сонли ва 53-сонли мактабгача таълим ташкилотида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишилиб, мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Олимпия музейи, 7-сонли шаҳар шифохонасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ўрганилди.

Қурилишга масъул бўлган раҳбарларга ҳар бир объектда ишларнинг сифати ва ҳаққонийлиги устидан доимий назоратни амалга ошириб, сифатсиз иш ҳамда қўшиб ёзиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берилди.

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: ХЎЖАОБОД ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

1-бет

Маҳалладаги Зиёратгоҳ кўчасининг 1,1 километр қисмига бетон қопламаси ётқизилди. Биларма кўчаси эса шағалланди. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида 1,2 километр узунликдаги электр тармоғи янгиланди, 25 дона темир-бетон устунлар ўрнатилди, 0,5 километр сув тармоғи тортилди.

– Кўчамиз қишда лой, ёзда чанг, тупроқ бўлар эди, – деди маҳалланинг Зиёратгоҳ кўчасида яшовчи Нурмуҳаммад Ҳакимов ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаев билан суҳбатда. – "Обод қишлоқ" дастури доирасида кўчамиз бетонланди, ичимлик сув тармоғи тортилмоқда. Айниқса, кўчамиздаги ёғочли симёғочлар бетонлисига алмаштирилиб, янги симлар тортилганидан жуда хурсандмиз.

Бундан ташқари, дастурлар доирасида 2 та маҳаллада жами 0,5 километр пиёдалар йўлакчасини барпо этиш, 4 километр ирригация тизимини қуриш, кўчаларга тунги ёритгичлар ўрнатиш, 15 та чиқиндихона қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш тизимини яхшилаш мақсадида 2 та маҳаллага жами 7,5 километр алоқа тармоғини тортиш, уй-жой фондини ривожлантириш бўйича 317 та кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш кўзда тутилган.

Айни кунда Тош ота маҳалласида 0,5 километрли пиёдалар йўлакчаси қурилди, 6,2 километр узунликдаги алоқа симлари ётқизилмоқда, 22 та эҳтиёжманд оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Мазкур маҳаллада "Имомота" зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, ҳар йили бу ерга республикамизнинг турли вилоятлари, қўшни Қирғизистондан минглаб зиёратчилар келиб, дам олиб кетади.

Зиёратгоҳда 2018-2019 йилларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, асосий бинолари замонавий ҳамда миллий меъморчилик анъаналари асосида бутунлай янгича қиёфа касб этган. Ҳозирда зиёратчилар учун зарур барча шароитлар яратилган, иккита меҳмонхона ишлаб турибди.

Зиёратчи ва меҳмонларга янада қулайлик яратиш мақсадида ўндан ортиқ меҳмон уйлари барпо этилиб, ишга туширилди.

– Зиёратгоҳга бир йилда тахминан 25-30 минг нафар зиёратчи ташриф буюради, – деди тадбиркор Жасурбек Турсунов. – Меҳмонларга қулайликлар яратиш учун учта меҳмон уй барпо этганман. Ошхона, бассейн, иссиқ-совуқ сув, теннис, биллиард столи ва бошқа зарур барча жиҳозлар мавжуд, қўйингки, барча шароитлар яратилган.

Шу кунларда маҳалла ҳудудига тўйхона, ҳаммом қуриш режалаштирилмоқда.

Маҳаллада ким билан суҳбатлашмайлик, "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилаётган ишлардан мамнунлигига гувоҳ бўлдик.

– Ёшим саксондан ошди, – деди маҳалланинг Зиёратгоҳ кўчасида яшовчи, меҳнат фахрийси Ўсарбек Жўраев. – Очиғи, маҳалламиздаги, ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини кузатиб, беихтиёр қалбим фахр-ифтихорга тўлади. Ҳар қадамда ўзгариш, янги қурилиш. Бу ишларни аввалари хоҳласак ҳам қила олмаганмиз. Қисқа муддатда барпо этилаётган бир-биридан чиройли биноларни кўриб, шу кунларга етказганига шукр қиламан. Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, мана шундай хайрли ишлар бошида турган раҳбарларимиз омон бўлсин.

Хўжаобод туманида, хусусан, Тош ота ва Гарагура маҳаллаларида "Обод қишлоқ" дастури доирасидаги ишлар давом этмоқда. Бу ишлар албатта, юртимиз ривожига, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга, одамларнинг ҳаётидан рози бўлиб яшашларини таъминлашга хизмат қилади.

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

1-бет

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида 495,7 млн долларлик 21 та лойиҳа бўйича жорий йилнинг ўзида 172,7 млн доллар ўзлаштириш кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида уюшма томонидан 2022 йилда умумий қиймати 369,4 млн долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш ва 1035 та янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган. Йирик инвестиция лойиҳалари асосан Тошкент, Сирдарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилади. Мисол учун, Навоий вилоятида "Қизилқумцемент" АЖда 126 млн доллар инвестиция ҳисобига йилига клинкер (4-линия) ишлаб чиқариш қуввати 1,8 млн тоннага кенгайтирилади. Тошкент шаҳрида эса "Ориент Керамик" МЧЖ томонидан йилига 9,0 млн квадрат метр керамик плиткалар ишлаб чиқариш янги заводи қурилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 42 млн долларни ташкил этади.

Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди бўлмиш Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида умумий қиймати 50 млн доллар инвестиция ҳисобига "Қорақалпоқцемент" МЧЖ ҚКда цемент ишлаб чиқаришни 1,1 млн тоннага кенгайтириш ишлари амалга оширилади. Натижада 150 та янги иш ўрни яратилади. Навоий вилоятининг Кармани туманида "Gazgan Marble Group" МЧЖ томонидан йилига 300 минг квадрат метр мармар жинсларидан композит материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, Тошкент вилоятида "AKFA BUILDING MATERIALS" МЧЖ ХК томонидан йилига 450 минг куб метр газобетон блокларини ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 11,6 млн долларлик экспорт имкониятлари кенгаяди, шунингдек, 86,3 млн долларлик импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

– "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан 2022 йил истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳам шакллантирилган, – деди уюшма бошқарма бошлиғи Баҳодир Кенжаев. – Унга кўра, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида қуввати 300 минг куб метр газобетон блокларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси режалаштирилган. Наманган, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида гипс ва гипсокартон листлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби жами 11 та йўналишда лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Ҳозирда юқоридаги улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторлар ва лойиҳани молиялаштириш манбалари аниқланмоқда.

Бундан ташқари, тезкор маълумотларга ҳудудий дастурларга асосан январь-май ойларида 948 млрд сўмлик 167 та лойиҳа ишга туширилди ва 2 100 та янги иш ўринлари яратилди. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қурилиш материаллари соҳаси бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан Хоразм вилоятида умумий қиймати 41,3 млрд сўм бўлган 16 та, Навоий вилоятида 33,7 млрд сўмлик 12 та, Тошкент вилоятида 102,2 млрд сўмлик 12 та, Қорақалпоғистон Республикасида 22,7 млрд сўмлик 19 та, Жиззах вилоятида эса 44,4 млрд сўмлик 8 та лойиҳа ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерацияси, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Германия, Франция, Беларуссия ва Жанубий Корея мамлакатларига давлат ташрифи доирасида замонавий импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида илғор хорижий компаниялар билан умумий қиймати 2 млрд 295 млн долларлик 44 та Меморандум ва Келишувлар имзоланди. Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг Баёнлари билан амалга оширилган лойиҳалар назоратдан чиқарилиб, ягона "Йўл хариталари" тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан:**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

## 2022 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2022 йил 14 июнь.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Тошкент вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июндаги 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

**4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига мурожаат қилишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уй, **тел.:** 95-512-15-32, 95-512-15-22

**5. Танлов ҳужжатларинн нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин:** “_______ вилояти, ________ тумани, ___________ массивидаги, ________ лот ____ та кўп қаватли уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.”

Танлов ҳужжатлари эълони чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олиши мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиси – Тошкент вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг *(2022 йил 1 июнь ҳолатига – 300 000 сўм)*.

**Реквизит:** “Asia Alliance Bank” АТБ Олмазор филиали МФО 01102 СТИР 300 017 720 ҳисоб рақами: 2021 0000 5045 4602 7001.

**6. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган консалтинг марказига;

**таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;**

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтигача;

танлов ҳужжатларида белгиланган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштириш бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метри (1 м²) реализация нархи;**

**уй-жойни ўз маблағи ҳисобидан қуриш учун етарли маблағи мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**7. Танлов таклифларини очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти ҳокимияти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.

**8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 3 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган объект майдони $м^2$ |
| 9 қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 5 850 000 000 | 4 950 000 000 | 900 | 1575 | 3375 |

| Лот № | Ҳудуд | Аҳоли пункти номи | Квартиралар сони | 9 қаватли бир подъездли 20 квартирали 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | квартира | Уй рақам | |
| ТВ-04-01п | Оҳангарон шаҳри | Янгилик | 36 | 1 | 36 | 1-1 | 2022 йил 24 июнь, соат 10.00 |
| ТВ-04-02п | Оҳангарон шаҳри | Янгилик | 36 | 1 | 36 | 1-2 | 2022 йил 24 июнь, соат 10.00 |
| ТВ-04-03п | Оҳангарон шаҳри | Янгилик | 36 | 1 | 36 | 1-3 | 2022 йил 24 июнь, соат 10.00 |

# “Jizzax mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Бахмал тумани ҳокимлигининг 2022 йил 6 июндаги 03-1848-сонли розилик хатига асосан, Бахмал тумани Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 10 июндаги 396-сонли буюртма хатига асосан, Бахмал тумани Усмат шаҳарчасида сақланаётган, 2011 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25 740 CAA, бўлган SAZ NQR 71PL русумли, яроқсиз ҳолдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 67 392 000 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 15 июль куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.**

Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Юқоридаги мулк **2022 йил 15 июлдаги** аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 22 ва 29 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилиш савдо кунига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ипотека-банк” АТИБ Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2262 6000 3049 4605 8001 МФО 00122 СТИР 302 149 531.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи.

**Тел.:** 91-941-68-07.

*4399 рақамли гувоҳнома.*

# “Дон-халқ ризқи” АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Дон-халқ ризқи” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 5 июль куни соат 14.00 дан бошлаб жамият мажлислар залида ўтказилади.

### Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш.

3. Жамиятнинг устав капиталидаги “Ўздонмаҳсулот” АКнинг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича “Лойиҳа офиси”ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқаруви раиси ўринбосари лавозимини ташкил этиш бўйича жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

**Жамият манзили:** Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 111-“а” уй.

**Мурожжат учун телефон:** 75-522-02-69, 522-73-04.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Такрорий очиқ аукцион савдога “Махсусюктранс” МЧЖнинг 2022 йил 10 июндаги 376-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган:**

| № | Автотранспорт воситасининг русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | “NP93” русумли ярим тиркама | 10 2982 AA | 2011 | 57 285 900,00 |
| 2. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1854 AA | 2010 | 45 061 920,00 |
| 3. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1209 AA | 2010 | 50 068 800,00 |
| 4. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2979 AA | 2011 | 56 806 200,00 |
| 5. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2676 AA | 2011 | 63 081 000,00 |
| 6. | “NP93” русумли ярим тиркама | 10 2994 AA | 2011 | 58 715 100,00 |
| 7. | “NP93” русумли ярим тиркама | 10 2991 AA | 2011 | 56 806 200,00 |
| 8. | “NP9Y3” русумли ярим тиркама | 10 2978 AA | 2011 | 56 806 200,00 |
| 9. | “NP9Y3” русумли ярим тиркама | 10 2681 AA | 2011 | 58 715 100,00 |
| 10. | “NP9Y3” русумли ярим тиркама | 10 2971 AA | 2011 | 57 285 900,00 |
| 11. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2678 AA | 2012 | 56 806 200,00 |
| 12. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2977 AA | 2011 | 56 806 200,00 |
| 13. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2975 AA | 2011 | 57 045 600,00 |
| 14. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2685 AA | 2011 | 56 950 200,00 |
| 15. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1210 AA | 2010 | 50 889 600,00 |
| 16. | “NP9AY” русумли ярим тиркама | 10 2955 AA | 2011 | 58 360 500,00 |
| 17. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2683 AA | 2011 | 58 005 000,00 |
| 18. | “NP93” русумли ярим тиркама | 10 2995 AA | 2011 | 58 725 000,00 |
| 19. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1648 AA | 2010 | 50 616 000,00 |
| 20. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1649 AA | 2010 | 50 068 800,00 |
| 21. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1703 AA | 2010 | 50 616 000,00 |
| 22. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1847 AA | 2010 | 50 080 500,00 |
| 23. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1047 AA | 2010 | 49 073 400,00 |
| 24. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1720 AA | 2010 | 45 580 500,00 |
| 25. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1717 AA | 2010 | 45 293 400,00 |
| 26. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1646 AA | 2010 | 47 154 600,00 |
| 27. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1645 AA | 2010 | 45 254 700,00 |
| 28. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1638 AA | 2010 | 45 072 900,00 |
| 29. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1629 AA | 2010 | 45 168 300,00 |
| 30. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1241 AA | 2010 | 45 091 800,00 |
| 31. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1220 AA | 2010 | 40 851 000,00 |
| 32. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1213 AA | 2010 | 45 437 400,00 |
| 33. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1704 AA | 2010 | 50 342 400,00 |
| 34. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1204 AA | 2010 | 45 437 400,00 |
| 35. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1203 AA | 2010 | 40 659 300,00 |
| 36. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1044 AA | 2010 | 45 149 400,00 |
| 37. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1042 AA | 2010 | 40 851 000,00 |
| 38. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1041 AA | 2010 | 40 774 500,00 |
| 39. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1038 AA | 2010 | 45 034 200,00 |
| 40. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1033 AA | 2010 | 40 851 000,00 |

| № | Автотранспорт воситасининг русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 41. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1012 AA | 2010 | 40 908 600,00 |
| 42. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1001 AA | 2010 | 41 033 700,00 |
| 43. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 0168 AA | 2010 | 45 188 100,00 |
| 44. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1631 AA | 2010 | 45 034 200,00 |
| 45. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1749 AA | 2010 | 41 023 800,00 |
| 46. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1639 AA | 2010 | 40 899 600,00 |
| 47. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1005 AA | 2010 | 47 115 900,00 |
| 48. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1214 AA | 2010 | 47 739 600,00 |
| 49 | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1609 AA | 2010 | 45 034 200,00 |
| 50. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1032 AA | 2010 | 45 254 700,00 |
| 51. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1034 AA | 2010 | 45 110 700,00 |
| 52. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1842 AA | 2010 | 45 216 900,00 |
| 53. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1635 AA | 2010 | 45 254 700,00 |
| 54. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1205 AA | 2010 | 45 293 400,00 |
| 55. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1003 AA | 2010 | 45 437 400,00 |
| 56. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1644 AA | 2010 | 45 015 300,00 |
| 57. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1219 AA | 2010 | 45 254 700,00 |
| 58. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2970 AA | 2011 | 63 588 600,00 |
| 59. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2689 AA | 2012 | 57 126 600,00 |
| 60. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2684 AA | 2011 | 58 990 500,00 |
| 61. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2673 AA | 2011 | 57 111 300,00 |
| 62. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2997 AA | 2011 | 57 204 000,00 |
| 63. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2677 AA | 2011 | 57 285 000,00 |
| 64. | “NP9A3русумли ярим тиркама | 10 2956 AA | 2012 | 63 490 500,00 |
| 65. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1741 AA | 2010 | 50 616 000,00 |
| 66. | “NP9A3” русумли ярим тиркама | 10 2967 AA | 2011 | 57 366 000,00 |
| 67. | “OZCKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1868 AA | 2010 | 51 984 000,00 |
| 68. | “NP90MV” русумли ярим тиркама | 10 1878 AA | 2010 | 72 225 000,00 |
| 69. | “NP90MV” русумли ярим тиркама | 10 1875 AA | 2010 | 72 414 000,00 |
| 70. | “NP90MV” русумли ярим тиркама | 10 1876 AA | 2010 | 72 855 000,00 |
| 71. | “NP90MV” русумли ярим тиркама | 10 1877 AA | 2010 | 68 175 000,00 |
| 72. | “NP90MV” русумли ярим тиркама | 10 1879 AA | 2010 | 72 666 000,00 |
| 73. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1736 AA | 2010 | 45 580 500,00 |
| 74. | “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 10 2655 AA | 2011 | 58 905 000,00 |
| 75. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1801 AA | 2010 | 41 086 800,00 |
| 76. | “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 10 2661 AA | 2011 | 59 103 000,00 |
| 77. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1718 AA | 2010 | 45 405 900,00 |
| 78. | “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 10 2656 AA | 2011 | 54 494 100,00 |
| 79. | “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 10 2659 AA | 2011 | 58 914 000,00 |
| 80. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1810 AA | 2010 | 41 088 600,00 |

| № | Автотранспорт воситасининг русуми | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 81. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1809 AA | 2009 | 45 405 900,00 |
| 82. | “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 10 2657 AA | 2011 | 59 085 000,00 |
| 83. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1849 AA | 2010 | 45 407 700,00 |
| 84. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1843 AA | 2010 | 45 414 000,00 |
| 85. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1815 AA | 2010 | 45 580 500,00 |
| 86. | “MAN TGA 33.360 6*4BB” русумли автомашина | 10 224 QAA | 2010 | 270 120 600,00 |
| 87. | “MAN TGA 33.360 6*4BB” русумли автомашина | 10 223 QAA | 2010 | 270 331 200,00 |
| 88. | “MAN TGA 33.360 6*4BB” русумли автомашина | 10 217 QAA | 2010 | 270 281 700,00 |
| 89. | “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 10 136 UAA | 2011 | 178 074 000 |
| 90. | “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 10 260 LAA | 2010 | 170 879 000 |
| 91. | “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 10 286 WAA | 2010 | 167 856 000 |
| 92. | “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 10 237 FAA | 2009 | 162 821 000 |
| 93. | “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 10 285 LAA | 2010 | 170 027 000 |
| 94. | “MAN TGA 19.400” русумли автомашина | 10 409 VAA | 2009 | 162 821 000 |
| 95. | “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 10 870 MAA | 2010 | 165 674 000 |
| 96. | “MAN TGA 26.400” русумли автомашина | 10 885 MAA | 2010 | 170 027 000 |
| 97. | “MAN TGA 19.400” русумли автомашина | 10 245 QAA | 2010 | 163 492 000 |
| 98. | “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 10 1802 AA | 2010 | 45 407 700 |

**Такрорий аукцион савдо 2022 йил 30 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 28 июнь куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 30 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2022 йил 15, 29 июль ва 12, 26 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42 (595) 2022 йил 14 июнь

# АЛОҚА ТИЗИМИ СОҲАСИДА РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

## юртимиз бунёдкорлигига катта ҳисса қўшмоқда

**Дилшод КАМИЛОВ,**
"Aloqaloyiha" ДУК директори.

**Юртимиз аҳолиси ва меҳмонларига сифатли алоқа хизмати кўрсатишдек масъулиятли ва шарафли вазифани ўз зиммаларига олиб, меҳнат қилаётган минглаб алоқа ходимлари фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ўнлаб корхона, ташкилот ва муассасалар биноларининг аксарияти соҳада ўзининг узоқ тарихига эга ташкилот – "Aloqaloyiha" давлат унитар корхонасининг лойиҳаловчи-муҳандис ижодкорлари томонидан бунёд этилган.**



Корхона ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бир қанча йирик лойиҳаларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. Шулардан, Тошкент-Андижон радио реле линиялари (РРЛ), Газли-Челябинск-Свердловск (Бухоро-Урал) РРЛ, Тошкент шаҳридаги Радиомарказ, Красноярск-Саяно-Шушенск ГЭС РРЛ, Қарши-Термиз-Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси РРЛ, ТОЕ ШТАЛ (шиша толали алоқа линиялари), Бухоро-Нукус ШТАЛ, Термиз-Хайратон (Афғонистон) ШТАЛ, Қўнғирот-Бейнеу (Қозоғистон) ШТАЛ, Қарши-Термиз ШТАЛ, Денов-Тожикистон чегараси ШТАЛ, "ТОЕни захиралаштириш", Тошкент шаҳри телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш" кабиларни айтиш мумкин.

"Aloqaloyiha" ДУК Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги "Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 847-сонли қарори билан етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхатига киритилган.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш, илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда лойиҳалаштиришнинг замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган технологик тартибини яратиш корхонамизнинг асосий вазифаларидан саналади. Бундан ташқари, корхонамиз томонидан объектларни автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштириш, илғор ва янги турдаги қурилиш материалларини қўллашни кўзда тутадиган замонавий технологияларини жорий этиш, муаллифлар томонидан лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик назоратини таъминлаш ишлари ҳам амалга оширилиб келиняпти.

Шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари ва етакчи олий ўқув юртларини жалб этган ҳолда юқори технологик услублар ва ускуналарни халқаро стандартлар даражасида қўллашни кўзда тутадиган лойиҳалаштириш жараёнларига замонавий меъёрлар ва стандартларни татбиқ этиш бўйича таклифлар ҳам тайёрланади. Қолаверса, ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари талабаларининг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташида, ўқитувчиларининг тажриба орттиришида, уларга автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг замонавий технологиялари бўйича материаллар ҳамда услубларни тақдим этиш борасида ҳам кўмаклашиб келяпмиз.

"Aloqaloyiha" ДУКнинг лойиҳаловчи муҳандислари ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида маҳаллий, шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқлари бўйича ҳам бир қатор ишларни амалга оширади. Бундан ташқари, кўчма радиотелефон (уяли, транк, радиотелефон) алоқа тармоқларини, шу билан бирга, архитектура-қурилиш ишларини лойиҳалаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш хизмат турлари бўйича ҳам фаолият кўрсатиб келяпмиз.

Корхона фаолиятининг асосий йўналишидан келиб чиқиб, тендер асосида ютиб олинган буюртмалар бўйича лойиҳалаштириш ишлари ижросини ўз вақтида ва камчиликсиз адо этилишини таъминлашда ҳар бир ходим ўз зиммасидаги вазифанинг масъулиятини чуқур англаган ҳолда соҳа ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Хусусан, ўтган йиллар давомида корхона лойиҳаловчи муҳандислари саъй-ҳаракати билан "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг мавжуд магистрал радиореле алоқа линиялари модернизациясини амалга ошириш, "Ўзбектелком" АКнинг республика бўйлаб магистрал тармоғини ривожлантириш бўйича оптик толали алоқа линияларини қуриш, "UNITEL" масъулияти чекланган жамиятининг Ўзбекистон Республикаси бўйича уяли алоқа тармоғи радиореле линияларини ишга тушириш, Тахиатош ТЭС-ПС Хоразм – н/п Саримой (Хоразм вилояти) ОРУ 220 кВ ПС Саримой ўртасида ВЛ 220 кВ қурилиши жараёнида РРЛ қурилмаларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларни ишлаш марказини қуриш, "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасининг тўрт қаватли янги биносини реконструкция қилиш ва қуришга оид лойиҳалар доирасида лойиҳа-смета ҳужжатлари юқори сифат кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилиб, буюртмачиларга топширилди. Юқорида қайд этилган объектларнинг қурилиши ва сифати ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида унинг талабларига риоя қилиниши корхона мутахассислари томонидан муаллифлик назорати остида ишга туширилгани билан аҳамиятлидир.

Инсоният вақт тезлигида шундай тез ўзгаришларга рўбарў келдики, янги кашфиёт ва ютуқлар олдида довдираб қолмасдан, илгари фантастика ҳисобланган мавзуларни четга суриб ривожланиб бормоқда. Шиддат билан кириб келган Интернет янги бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида "ақлли уй", "хавфсиз шаҳар", "интернет-дўкон" каби турли хил дастурий таъминотларнинг жорий этилиши одамларнинг кўплаб юмуш ва турмуш шароитини янада яхшилаш ва оғирини енгил, узоғини яқин қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.



Ушбу санаб ўтилган ишларда соҳанинг етакчи ва ягона лойиҳалаштириш корхонаси бўлмиш – "Aloqaloyiha" ДУК ходимларининг ҳам меҳнатлари катта бўляпти. Янгидан янги мобил, стационар алоқа ва интернет тармоқларини қуриш ва ривожлантириш орқали турли интерактив хизматлар ва бошқа хизмат турларининг кенг йўлга қўйилиши истеъмолчиларга узлуксиз ахборот олиш имконини яратиб, кўплаб юмушларни масофадан туриб ҳал этиш ва бошқариш имкониятини ҳам тақдим этмоқда.

Жорий йилнинг 14 апрель куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолияти ва 2022 йилдаги режалари муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда юртбошимиз томонидан берилган топшириққа кўра, вазирликнинг Ўзбекистон Республикасини Минтақавий IT-марказга айлантириш бўйича ишлаб чиққан чора-тадбирлар режасига биноан бир қатор ишлар бажарилди.

Хусусан, рақамли инфратузилмани ривожлантириш йўналишида оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш, республика аҳоли пунктларида мобил алоқа қамровини кенгайтириш, қўшимча 6800 та таянч станцияларни ўрнатиш орқали уларнинг сонини 52 690 тага етказиш, 80 та олис қишлоқларни алоқа тизимига улаш, аҳоли масканларини 98 фоиз кенг полосали мобил интернет қамрови билан таъминлаш, кенг полосали Интернет портлари сонини ошириш ва хонадонларни юқори тезликдаги интернетга улаш имкониятларини яратиш каби вазифалар белгиланган.



Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 3-мавзеси 38-уй манзилида жойлашган "Unicon.uz"га қарашли мавжуд маъмурий бинони қайта таъминлаш эскиз лойиҳаси



Жиззах шаҳар "Сайилжойи" маҳалласи, Ш. Рашидов шоҳкўчасида жойлашган "UNIVERSAL MOBILE SYSTEM" МЧЖ ҳудудида 3 қаватли офис биноси эскиз лойиҳаси

Шунингдек, халқаро аҳамиятга эга магистрал автомобиль йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамров даражасини ошириш, Тошкент вилоятида республикада илк бор юқори қувватли Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини ишга тушириш, Ўзбекистоннинг мавжуд чегара уланиш нуқталари орқали ташкил этилган халқаро каналлардан фойдаланган ҳолда 2025 йил якунига қадар Марказий Осиёдаги йирик телекоммуникация хаби (телехаус)га босқичма-босқич айлантириш бўйича ташкилий-техник чораларни кўриш ҳам кўзда тутилган. "Электрон ҳукумат" тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказини ишга тушириш ва Давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини босқичма-босқич жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш каби вазифалар ҳам шулар жумласидандир.

Рақамли индустрия ва дастурий маҳсулотларнинг миллий бозорини ривожлантириш йўналишида эса ҳудудларда 14 та масофавий хизматлар экспорти марказлари ҳамда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг ҳудудларда 7 та филиалларини ташкил этиш, истиқболли стартап лойиҳаларни ички ва хорижий бозорларга олиб чиқиш учун қўшимча механизмларни яратиш мақсадида "Plug and Play" халқаро технологик марказининг Тошкент шаҳрида филиалини ташкил қилиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда дунёнинг етакчи IT-компаниялари расмий филиалларини очиш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш каби бир қатор йўналишларда яқин истиқболдаги мазкур ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Корхона мутахассислари мамлакатимизда алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси тизимининг ривожланишига ҳамда кўплаб йирик лойиҳаларнинг амалга оширилишида муносиб хизмат кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 августдаги "Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-952-сон қарорига мувофиқ, "Aloqaloyiha" ДУК лойиҳалаштириш институти – бош лойиҳалаштирувчи этиб белгиланган ва ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ташкил этилган илмий-техникавий адабиётлар электрон кутубхонаси биноси лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги "Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-949-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивини, Марказий кинофотоҳужжатлар архиви ҳамда Тиббиёт ва техник ҳужжатларнинг марказий давлат архивини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4059-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги "Навоий" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-21-сон қарорига асосан "Навоий" ЭИЗни юқори тезликдаги алоқа каналлари, телефон ва интернет хизматлари билан таъминлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

2021 йилдан бугунги кунга қадар ҳам ташкилотимиз томонидан муҳим аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, бинолардан фойдаланиш дирекциясига қарашли ошхона биносини реконструкция ва капитал таъмирлаш ҳамда унга қарашли ҳудудни ободонлантириш, Жиззах вилояти Бахмал ва Ғаллаорол туманларида ОТАЛ қурилиши, Зомин тумани "Суффа" платосигача бўлган ҳудудга оптик толали алоқа линияси қурилиши, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Гўшсой МФЙ, Новгарзон ҳудудида радиотелевизион станциясини ўрнатилиши, 234/235-ЭАТС биносининг том қисмига LED экранли реклама конструкцияси ўрнатиш учун ушбу бинонинг оғирлигига чидамлилигини (техник ҳолатини) аниқлаш ва металл конструкциясини тайёрлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро вилояти, Аҳмад Дониш кўчаси, 37-уй манзилида "Логистика маркази"ни қуриш, ДХХ Чегара қўшинларида ўрнатилиши режалаштирилаётган "DX-500C" ҳимояланган АТС ва қурилмаларини ўрнатиш, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув мавзеси, Абдалина кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган 265-ЭАТС ҳудудида икки қаватли ёрдамчи бино қуриш, "Ўзбектелеком" АК томонидан 350 км оптик толали алоқа линиясини барпо этиш шулар жумласидандир.

Булардан ташқари, "Ўзбекистон почтаси" АЖ "Халқаро почтампт" филиалининг омборхонасини қайта қуриш (реконструкция), Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона кўчаси 15-уйда жойлашган "Электромагнит мослашув маркази" ДУКга тегишли ер майдони атрофидаги деворни реконструкция қилиш ишлари, Жиззах вилоятининг бир қатор қишлоқларида ЎзМобайл БТСларига оптик толали алоқа линиясини қуриш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК томонидан 2500 км оптик толали алоқа линиясини қуриш, манзилли қурилишлар дастурига киритилган 92 дона OLT (Huawei) қурилмалар, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙда жойлашган бинони махсус алоқа тизимлари билан жиҳозлаш, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уйда жойлашган Жиззах вилояти ЭММХ гаражидаги боксларини мукаммал таъмирлаш, Сирдарё вилояти, Ховос шаҳрида жойлашган Мудофаа вазирлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармасига қарашли ҳудудда қурилиши режалаштирилган радионазорат пунктини қуриш, Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 20-уй бино мажмуасида ички идоравий алоқа тармоғини ташкил қилиш каби лойиҳалар ҳам айни пайтда юртимиз бунёдкорлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида янги очилган Кўкдала тумани марказида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги корхоналарнинг туман бўлимлари фаолият юритиши учун Еттитом шаҳарчаси марказий қисмида "IT-Park" биносини лойиҳалаш ва қуриш бўйича дастлабки тақдимот ишлари олиб борилди.

"Aloqaloyiha" Давлат унитар корхонаси кўп йиллик тажриба ҳамда бир қатор намунавий лойиҳаларнинг бой архивига эга. Шунингдек, бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётган янги технологиялар бўйича доимий ўрганишлар, изланишлар ва техник ўқишларни ташкиллаштириш орқали ёш лойиҳачи мутахассисларнинг мунтазам равишда малака ошириб боришлари ва тажриба орттиришларига катта эътибор қаратилмоқда.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси бош мутахассиси **Жасур Балтаев,**

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Бобомурод Атахонов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича бош мутахассис **Ихтиёр Асадов,** етакчи мутахассис **Бекзод Абдуллаев,**

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Шақарбой Шоқосимов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Шерзод Салохитдинов,** ҳайдовчи **Тоҳир Носиров,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларни техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Ғофур Раҳматов,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Одил Субхонқулов,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қурилиш синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Машраб Турсуналиев,** қоровул **Тоҳир Джакбаров,**

Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Сарвар Равшанов,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Отабек Омонов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК ҳайдовчиси **Сирожиддин Нурдинов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-643.
2210 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 00.20.
Топширилди – 00.50.

1 2 3 4 5 6